



**Демография ва меҳнат статистикаси  
бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низом Жиззах вилоят статистика бошқармаси “Демография ва меҳнат” статистикаси бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари, хукук ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон карорига мувофик ташкил этилган ва Жиззах вилоят статистика бошкармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси хисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг норматив карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим демография ва меҳнат статистикаси масалалари бўйича фаолиятини бошкарманинг таркибий бўлимлари, шаҳар ва туман статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Жиззах вилоят статистика бошқармаси бошлиги раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бошлигининг ўринбосарига бўйсунади.

## 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

*а) демография ва меҳнат статистикаси бўйича ягона сиёсатни бажарши, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофикаштириши ва функционал тартибга солиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишларнин режа-жадвали, бошқарманинг иш режаларини ўз вактида шакллантирилишида иштирок этиш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўргангандек холда узок муддатли максадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориши;

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этилишини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-хукукий хужжатлар лойихаларига бўлимнинг ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

*б) халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистик услубиётни ва давлат статистика кузатув шаклларини ўтказиши соҳасида:*

демография ва меҳнат статистикаси маълумотларини йигиш ва қайта ишлashingнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини кабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштиришни амалга ошириш;

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-хукукий хужжатларни ишлаб чиқишида бўлим ваколати доирасида иштирок этиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасида холис, сифатли ва долзарб ҳисбот маълумотларини тайёрлашни мувофикаштиради ва идоравий кузатувлар шаклларини келишишида иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофик, маълумотларни умумлаштириш ва тарқатиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатлар рейтинг баҳоларини тузиш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ташкил этади, улар асосида шакллантириладиган

ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар таркибини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чикишда иштирок этиш;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича давлат статистика хисботлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

*в) демография ва меҳнат статистикасига оид ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йигиш, қайта ишилаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикасига оид кисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоят, худудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши бўйича давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика хисботларини электрон кўринишида, зарур холларда қоғоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик хисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

демографик ва меҳнат кўрсаткичларининг статистик хисобини юритади, вилоят бўйича муҳим демографик ва меҳнат жараёнларининг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

статистик хисбот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини хамда статистик маълумотларнинг шаффоғлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика хисботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасига оид статистик бирламчи маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш;

конунчилликка мувофик, Бўлим иш фаолиятида шаклланган архив хужжатларини жамлаш, сақлаш, хисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш;

г) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда демография ва меҳнат статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун демографик ва меҳнат статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффоғлиги ва ошкоралигини, халқаро статистик тўпламлар учун тайёрланишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун демография ва меҳнат соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

демография ва меҳнат статистикасини характерловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамаси қарорлари ижроси юзасидан Бошқарма ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик хамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

демография ва меҳнат статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

д) Бўлим иш усуллари ва шаклларини янада тақомишилаштириши, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириши, юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг масъулиятини ошириш соҳасида:

Бўлим ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофикалаштиради;

демография ва меҳнат статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш.

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириклари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан демография ва меҳнат статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумот учун ва бошка материалларни (Бошқарма бошлиги ва унинг ўринbosарлари топширикларининг лойихаларини) тайёрлади;

Бўлим ўзига юклатилган бошка функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

7. Бўлимнинг ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

демография ва меҳнат статистикаси соҳаси бўйича халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган давлат статистика кузатувлари шаклларини статистик маълумотларни шакллантириш жараёнинга жорий этади;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги жараёнларни тавсифловчи статистик кўрсаткичларни йиғиш, кайта ишлаш, умумлаштириш, саклаш ва таҳлил қилиш;

давлат идоралари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва ахолини белгиланган тартибда демография ва меҳнат статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлаш;

бўлим иш услубини такомиллаштириб бориш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириш;

Демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлаш;

худудий статистика идоралари томонидан, демография ва меҳнат статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услубиёти асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика хисботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон хужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, демография ва меҳнат статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиши.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар

Махкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг мухим устувор йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг тенденциясини (холатини) хисобга олган ҳолда таъминлайди.

### **З-боб. Бўлимнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари**

8. Бўлим ўзига юқлатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳукуқларга эга:

шашар ва туман статистика бўлимлари томонидан демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофикалаштириш;

Шашар ва туман статистика бўлимларидан демография ва меҳнат статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига демография ва меҳнат статистикаси ишларини ташкил этиш соҳасида самарадорликни ошириш бўйича таклифлар бериш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисботларини белгилангай тартибда олиш ҳамда улардан статистика максадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан демография ва меҳнат статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталған босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўрайи ва олиш:

демография ва меҳнат статистикаси кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистик ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

демография ва меҳнат статистикаси ахборотлари ва статистик маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ва талкин қилиш холатларини кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тушунтиришлар бериш;

олинаётган демография ва меҳнат статистикаси маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

демография ва меҳнат соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аникланган такдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йигма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

демография ва меҳнат соҳасига оид масалалар юзасидан семинар ва йигилишларда иштирок этиш;

Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

демография ва меҳнат статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим конун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим қўйидагиларга жавобгар бўлади:

ўзига юқлатилиган вазифаларни самарали бажариш;

ўз ваколати доирасида таҳдилий ва бошқа материалларни юкори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига риоя этиш, кўлланиладиган метод ва методикаларни халқаро тажрибаларга таянган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб бориши;

Бўлим белгиланган меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлим таркиби**

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисидаги Низомга, Бошқарма тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга. Давлат статистика кўмитаси буйруклари ва қарорларига, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури. Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим йўриқномалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари Бошқарма бошлигининг ўринбосари билан келишилади ва бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

11. Бўлим бошлиги:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, Бўлимга юқлатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми холати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

кўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни назорат килиш ва ишда тажриба алмашиш масалалари бўйича Бўлим ходимлари билан инструктив кенгашлар ўтказади;

иш юритиши олиб бориш, топширикларнинг ўз вактида бажарилишини қатъий назорат килиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сакланиши бўйича белгиланган тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини кўллаш тўғрисида бошқарма раҳбариятига таклифлар киритади;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритади;

Бошқарма раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йигилишларда қатнашади;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахслар билан Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни мухокама қилишда Вилоят статистика бошқармаси номидан иш юритади.

12. Бўлим бошлиги ишда бўлмаган вактда унинг вазифаларини бўлим бош мутахассиси бажаради.

13. Бўлим бош мутахассиси:

статистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

бўлим ваколатига кирадиган вазифаларни ўз муддатларида ҳамда сифатли бажарилишида иштирок этади;

олинаётган демография ва меҳнат статистикаси маълумотларининг тўликлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

демография ва меҳнат соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

демография ва меҳнат соҳасига оид масалалар юзасидан семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

демография ва меҳнат статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик килиш;

Бўлим конун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим куйидагиларга жавобгар бўлади:

ўзига юқлатилган вазифаларни самарали бажариш;

ўз ваколати доирасида таҳлилий ва бошка материалларни юкори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига риоя этиш, қўлланиладиган метод ва методикаларни халқаро тажрибаларга таянган холда доимий равиша такомиллаштириб бориш;

Бўлим белгиланганде меъёрий-хуқукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлим таркиби**

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги карорига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низомга, Бошқарма тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга. Давлат статистика қўмитаси буйруклари ва қарорларига, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим йўриқномалари асосида ташкил этилади.

статистик кўрсаткичларни хисоблаш ва мантикий таҳлил қилишда иштирок этади;

фукаролар, давлат ва хўжалик юритувчи органлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар сўровларига мувофиқ тегишли статистик маълумотларни тайёрлайди ва тақдим этади;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун демография ва меҳнат соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлашда иштирок этади;

ижро интизоми тўғрисидаги ахборотларни бошқарманинг электрон хужжат айланиш тизими дастурига киритиш, шунингдек унга алоқадор масалалар юзасидан зарурӣ ишларни амалга оширади;

статистика маълумотларини йигиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини қабул қилинган халкаро амалиётга янада мослаштиришни амалга оширишда иштирок этади;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган холда, иқтисодий-математик усулларда демография ва меҳнат статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равишда мантикий таҳлил килади;

Вилоят статистика бошқармаси ҳамда бошқа идоралар билан ўзаро тасдиқланган кўшма тартиблар ижросини таъминлайди;

бўлим фаолиятини бошқариш ва давлат статистика ишлари дастурини ўз вактида ҳамда сифатли бажарилиши бўйича ўз таклифлари асосида ташаббус кўрсатади;

бўлим ваколатига кирадиган ишлаб чиқиладиган месъерий-хукукий хужжатлар лойиҳалар таклифлар ишлаб чиқилишда иштирок этади;

бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига бўлимга алоқадор бўлган масалалар юзасидан услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

бўлимга оид барча кўрсаткичларни динамик каторларини юритиб боради;

Бошқарма раҳбарияти томонидан бериладиган топширикларни ўз вактида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

#### 14. Бўлим бош мутахассиси:

шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига оид дастлабки маълумотларни йигади, таҳлил этади ва умумлаштиради;

маъмурий-худудий бўлинмалар сони бўйича динамик каторларни юритади;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) ҳамда Бошқарма бўлимларидан ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чикишининг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни белгиланган

- тартибда олишда хамда улардан статистика мақсадларида фойдаланишда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика хисоботларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартериш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар беришда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикаси ахборотлари ва статистик маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ва талқин килиш ҳолатларини кўриб чиқиш хамда улар бўйича тушунтириш беради;

демография ва меҳнат статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

демография ва меҳнат соҳасига оид масалалар юзасидан халкаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, семинар ва йиғилишларда, шунингдек халкаро семинар ва йиғилишларда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича ишлаб чиқилган электрон маълумотлар базаси дастурини ўзгартериш бўйича таклифлар киритишида иштирок этади;

Бошкарма раҳбарияти топшириғига биноан ўтказиладиган семинар ва йиғилишларда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига оид хужжатлар ва йўриқномалар билан ишлаш тажрибасини мунтазам ошириб боради;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

меҳнат фаолиятида ахборот технологиялари, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш ва хисоблаш техника воситалари билан ишлаш малакасини мунтазам ошириб боради.

давлат статистика хисбот шакларини маълумотларини йигиш, умумлаштириш, тахлил этишда иштирок этади;

Жиззах вилояти маъмурий-худудий бўлинмаларида содир бўладиган ўзгаришларни йил давомида тахлил қилиб боришда иштирок этади;

маъмурий-худудий бўлинмалар сони бўйича динамик категорларни юритади;

демография ва меҳнат статистикасига оид дастлабки маълумотларни йиғади, тахлил этади ва умумлаштиради;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

бўлимнинг чора-тадбирлар дастурига ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

динамик категорларни юритади;

халкаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган статистик услубиятни жорий этилишида таклифлар тайёрлайди;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий-математик усулларда демография ва меҳнат статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равишда мантикий таҳлил килишда иштирок этади;

давлат ва хўжалик юритувчи органлар, юридик шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва фуқароларнинг сўровларига мувофик тегишли статистик маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этади;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун демография ва меҳнат соҳасида юз берабётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлашда иштирок этади;

фойдаланувчиларнинг демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги маълумотларга бўлган талабига мувофик ривожланаётган хорижий тажрибани ўргананишда, умумлаштиришда ва таркатишда иштирок этади;

раҳбарият топшириклари ижросини таъминлайди.